



# ТОШКЕНТ ОҚШОМ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 138 (9.941)

2003 йил 16 июль

## ПОЙТАХТНИНГ Бир кунни Янгиликлар, воқеалар

### ҚИСҚА сатрларда

□ **БУГУН** Акмал Икромов туманидаги «Нўғойқўрғон» маҳалласида «Мамлакат ижтимоий-сиёсий барқарорлигини таъминлашда фуқароларнинг роли» мавзусида йиғилиш бўлиб ўтди.

□ **БУГУН** Чилонзор туманида жойлашган «Тошкент кислород заводи»да «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими томонидан «Гиванд воситалар ва психотроп моддалар» мавзусида йиғилиш ўтказилди.

□ **КЕЧА** Яққасарой туманида жойлашган 19-оилавий поликлиникада «Миллий кадрларнинг оилавий тарбиядаги аҳамияти» мавзусида тадбир бўлиб ўтди.

□ **БУГУН** Шайхонтохур туманидаги «Эшонгузар», «Олмазор», «Кохота» маҳаллалари ҳамкорлигида фаоллар йиғилиши уюштирилди.


□ **КЕЧА** Хамза туманидаги Кўйлик ота маҳалласида ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш чораларига бағишланган учрашув ўтказилиб, ёшлар томонидан берилган саволларга ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари жавоб беришди.

□ **КЕЧА** Бектемир универсал бозорида «Маънавият ва маърифат» марказининг Бектемир туман бўлими ташаббуси билан соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

**Пойтахтимизнинг Акмал Икромов туманидаги «Вета-Сервис» уй-жой мулкдорлари ширкатининг тажрибали ишчи-ҳодимлари ўттиздан зиёд кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатмоқдалар. Мазкур уйларда 5500 нафар аҳоли истиқомат қилмоқда.**

**СУРАТДА:** ширкатнинг ёш, изланувчан слесарь-сантехниги Фаил Кельдияров иш устида.



## Битим имзоланди

Пойтахтимизда мяхмон бўлиб турган Германия Бундестаги (парламент) аъзоси, Эркин демократик партия фракциясининг тараққиёт сиёсати соҳасидаги раиси Маркус Лёнинг раҳбарлигидаги делегация вакиллари 14 июль кунни мамлакатимизнинг қатор идора ва муассасаларида бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Эркин Халилов билан ўтган учрашувда Ўзбекистон билан Германия

ўртасидаги парламентлараро алоқаларни янги bosқичга кўтариш учун барча имкониятлар мавжудлиги таъкидланиб, истиқболда мазкур йўналишдаги ҳамкорликни янада жаддалаштиришга келишиб олинди.

Шу кунни делегация аъзолари мамлакатимизнинг Ташки ишлар ҳамда Иқтисодий вазирликлари, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳам учрашувлар ўтказди. Мулоқотлар давомида ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш борасида сўз борди.

Ташки иқтисодий алоқалар агентлигида Бош вазир ўринбосари, мазкур агентлик раиси Элёр Ғаниев билан бўлган учрашувда Ўзбекистон билан Германиянинг савдо-иқтисодий алоқаларини янада ривожлантиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Учрашув сўнгида Ўзбекистон ва Германия ҳукуматлари ўртасида молиявий ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди. Унга кўра, Германия мамлакатимизга 1 миллион 600 минг евролик имтиёзли кредит ажратди. Маблағ Тошкент аэропортининг терминналини таъмирлашга сарфланади.

## Огоҳлик масъулиятдир

Алишер Навоий номидаги кино саройида «Огоҳлик масъулиятдир» мавзусида йиғилиш бўлиб ўтди. Унда шаҳар фаоллари, ҳуқуқни муҳофаза этишчи идоралар вакиллари, маҳалла оқсоқоллари, хотин-қизлар кўмиталари раислари, посбонлар, профилактика инспекторлари, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Тошкент шаҳар ҳокими Р.Шоабдурахмонов тадбирни очар экан, эл-юрт тинчлиги, осийишталиги ҳар қандай жаҳоннинг ўз олдига қўйган бирламчи вазифаси эканини таъкидлади. Тинчликни таъминлаш эса фақатгина ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг вазифаси бўлиб қолмай, балки шу юрtdа яшаётган ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчидир.

Ички ишлар вазири З.Алматов бугунги кунда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашда катта жамоатчиликнинг ўрни ва вазифалари, мустақилликнинг кадрига етиш, уни мустаҳкамлаш, тинчликни таъминлаш борасида ҳуқуқ-тар-

тибот идоралари ва жамоатчиликнинг ҳамкорлиги масалалари хусусида сўзлади.

Анжуманда жаҳоннинг турли бурчақларида, жумладан, мамлакатимизда қўшни ҳудудларда турли террорчи гуруҳлар томонидан инсониятга қарши ваҳшиёна жиноятлар амалга оширилаётгани, бунинг натижасида қўллаб бегуноҳ кишилар ҳалок бўлаётгани, бу ҳолат ҳеч биримизни бефарқ қолдирмаслиги зарурлиги айтиб қаратилди.

Шу боис ёшлар тарбияси, уларнинг жиноятчилик, ақидадарастлик, гивандлик каби иллатлар домига илинишининг олдини олиш масалалари муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада ёш авлод онгида янгина дунёқарашни шакллантириш, юртга садоқат, фидойилик, ватанпарварлик туйғувларини қарор топтириш бугуннинг долзарб вазифаларидан бири экани алоҳида қайд этилди.

Йиғилишда муҳокама этилган масалалар юзасидан зарур чора-тадбирлар белгилаб олинди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А. Азизов иштирок этди.

## XXI сағоси

Барча маъбақлардан олган сўнги хабарлар

### Мамлакатимизда

● Бундан икки йил муқаддам Қорақалпоғистоннинг Жанубий ҳудудидаги бўз ерларда дехқончиликни янада ривожлантириш мақсадида узунлиги 35,3 километрлик «Бўстон» канали қурилиши бошланган эди. Ушбу каналнинг ишга туширилиши катта шодийналар билан нишонланди.

● Самарқанд вилояти галларкорлари давлатга 275,9 минг тонна галла сотиб, шартнома режасини ортиғи билан бажаришди. Ҳосилдорлик 54,4 центнерни ташкил этди.

● Навоийда мева ва сабзавотни қайта ишлайдиган корхоналар сони яна биттага кўпайди. «Навоийсавдо» ҳиссадорлик жамияти бир кунда 500 тонна сабзавотни қайта ишлайдиган корхона қурилишини ниҳоясига етказди.

● Тўрткўл туманидаги «Тўрткўл» очик турдаги ҳиссадорлик жамияти яқин кунларда «Тўрткўлтекс» Ўзбекистон-Америка-Туркия қўшма корхонаси сифатида иш бошлади. Бу ерда йилга 4138 тонна пахтадан 3600 тонна калава ип тайёрланади.

● Термиз қурилиш материаллари корхонасида яқинда янги махсулот — черепица ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

● Каттақўрғон туманидаги Қаран шаҳарчасида қишлоқ тўжалиги махсулотларини қайта ишлашчи тумандаги илк «Ўзбекистон — Америка қўшма корхонаси» иш бошлади. Италиянинг «ФБР-ЭЛБО» фирмасининг замонавий анжомлари ўрнатилган янги корхонада кунига 600 тонна помидор қайта ишланади.

● Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасида ўқув масканларини тамомланган ёш спортчиларни кутлаш ва уларга республика олий ўқув юртиларига кириш учун сертификатларни топшириш маросими бўлиб ўтди.

### Жаҳонда

● АҚШ маъмурияти раҳнамолигида ташкил этилган Ироқ бошқарув кенгашининг навбатдаги йиғилишида махсус делегацияни БМТ Хавфсизлик Кенгашига юбориш ҳақида қарор қабул қилинди.

● Хитой ҳукумати Шимолий Корея Президенти Ким Чен Ир номига Пхеньянинг ядровий дастури борасида мактуб йўллади. Унда Хитойнинг янги раҳбари Шимолий Кореянинг расмий Пекин воситачилигида АҚШ билан кўп томонлама музокаралар олиб боришга қадр қарган.

● БМТ тараққиёт дастури ўзининг янги йиллик ривожланиш индекси ҳисоботини эълон қилди. 175 мамлакатнинг рейтингини келтирилган мазкур ҳисоботда биринчи ўринни эгаллаб БМТнинг энг ижобий баҳосига Норвегия сазовор бўлди.

● Эронда янги нефть захираси топилди. Мамлакат жанубида жойлашган Бушёр порт шаҳридаги нефть қудуқлари яқинида топилган «Кора олтин» захирасининг қиймати 38 миллиард баррелга баҳоланмоқда.

## Мароқли дам олинг!

Ёзги таътил кунлари — бу болаларнинг мактабда ўқиб кунларини унутиб, янги ўқув йили учун куч ва соғлигини тиклаш давридир. Шу боис уларнинг мароқли дам олишини ташкил этиш муҳим вазифа саналади. «Соғлом авлод учун» халқаро нодавлат хайрия жамғармаси ҳам бу вазифани бошқа давлат ва жамоат тузилмалари билан бирга ҳал этди.

Бу борада жамғарма ота-она меҳридан маҳрум болаларга алоҳида эътибор беради. Шу муноса-

бат билан пойтахт вилоятидаги Бўстонлик туманида жойлашган «Меҳрибонлик» соғломлаштириш оромгоҳига дори-дармонлар, санитария ва гигиена воситалари, болалар кийимларидан иборат мурувват ёрдами топширилди.

Жамғарманинг ёрдами билан оромгоҳ кутубхонаси ҳам китоблар билан бойиди. Бугунги кунда бу ерда республикамизнинг қатор худудларидан, шу жумладан Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидан ҳам 565 нафар ўғил-қиз ёзги таътил кунларини ўтказмоқда. Улар

оромгоҳга жамғарма вакиллари-нинг ташрифи муносабати билан катта концерт дастурини тайёрлади, спорт эстафетаси, расмлар ва қўлда тайёрланган бўюмлар танлови ўтказилди.

«Соғлом авлод учун» жамғармаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълим бошқармаси ва ушбу бошқарманинг қасба уюшма қўмитаси билан ҳамкорликда «Меҳрибонлик» оромгоҳида дам олаётган меҳрибонлик уйлари ва ихтисослаштирилган интэрнатлар тарбияланувчилари учун байрам уюштирди.

Бу жамғарманинг соғломлаштириш оромгоҳларида хордиқчиқараётган болаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган биринчи тадбир эмас. Масалан, Тошкент вилоятида жойлашган ўнга оромгоҳ тиббий дори-дармонлар кутубхонаси билан таъминланди. Бундан ташқари жамғарма кам таъминланган оила-ларнинг 20 нафар фарзанди учун «Матлуботчи» санаторийсига йўланмаларни сотиб олишни ўз зиммасига олди. Ушбу мақсадлар учун 1,9 миллион сўм атрофида маблағ сарфланди. Бу каби тадбирлар жамғарманинг ҳудудий бўлиmlари томонидан республикамизнинг барча вилоятларида ҳам ўтказилмоқда. (УЗА).

## Иқтисодиёт Замонавий ускуналар келтирилди

Пойтахтимиздаги «Ўзэлектрон-аппарат» акциядорлик жамиятига жорий йил бошида Финляндиядан автоматлашган ускуна ва жиҳозлар келтирилди.

Ушбу ускуналарни ҳозирда корхонада меҳнат қилаётган ёш ва иктидорли йигит-қизлар бошқаришиб, сифатли маҳсулот ишлаб чиқарилишида муносиб ҳисса қўшишмоқда.

Корхона бундан бир неча йил олдин банкротлик ҳолатига тушиб қолган эди. Унинг бундай аҳолини яхшилаб ўрганиш учун «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси томонидан махсус комиссия тузилди. Натижада бозор иқтисодиёти талабига мослашмаган айрим мутахассислар ўзгарди. Бугунги кун талабидан келиб чиқиб тадбиркорлик билан иш юритишга ҳаракат қилинганлиги боис ҳам жамоа ўтган йилда 193 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот тайёрлашга муваффақ бўлди.

Корхонада асосан электр таркатуви ва таъминловчи шкафлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган бўлиб, бундай маҳсулотлардан Зарафшон, Учқудук, Ангрэн ва Навоийдаги йирик корхоналарда фойдаланилади.

Бугунги кунда корхона мутахассислари ички бозорни сифатли маҳсулотлар билан таъминлашга эътибор қаратаётган бўлсалар, келгусида уларнинг хорижга чиқиш ниятлари ҳам бор. Бунинг учун эса жаҳон андозалари даражасидаги сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш зарурлигини кадрлар тўғри англашмоқда. Янги маҳсулот турларини тайёрлашга ҳам эътибор кучли.

Бозор талаблари асосида иш юритиб, маркетинг бўлими ишларини яхши йўлга қўйган корхона меҳнат ахли жорий йилда 800 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлашни, буюртмаларни вақтида адо этишни режалашган. Иш эса қўзлаб маррага яраша бўлмоқда.

## Биллур қандил жилоси

Бугунги харидорнинг диди баланд, талаби ҳам шунга яраша. Буни тўғри тушунган пойтахтимиздаги «Оникс» акциядорлик жамияти ишчи-хизматчилари талабдан келиб чиқиб, маҳсулот сифатига катта эътибор қаратишмоқда.

Шу боис бўлса керак, корхонада биллур идишларнинг 30 дан ортиқ, қандилларнинг 40 дан ортиқ турлари ишлаб чиқарилиб, харидорларга тортиқ этилмоқда. Ушбу маҳсулотларнинг ёрқин жилоси кўзни қамаштириб, хонадонларга ўзгача безак бўлаётгани қувонарлиқ.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ўтган йилда корхонада 25 турдаги қандиллар буюртма асосида тайёрланди. Ўзбек Миллий академик театри, Олий Мажлис биноси, Темурийлар тарихи давлат музейи ва бошқа кўплаб муҳташам ишоотларимизда корхона маҳсулотларидан кенг фойдаланилган.

Кўшни давлатлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш, хорижий харидорларни жалб этиш ишларига катта аҳамият берилиб, Қозғистоннинг Чимкент вилоятида корхонанинг «Савдо уйи» иш бошлади. Бундан ташқари Татаристон Республикаси ва Афғонистонда ҳам ана шундай «Савдо уйлари»ни очиб режалаштирилган.

Бежирим ва жиҳоркор маҳсулотларнинг нафақат ички, балки ташқи бозорларда ҳам харидоригр бўлиш учун сайё-ҳаракатлар давом этмоқда. Жорий йилда жамоа ахли умумий ишлаб чиқариш ҳажмини 2 миллиард 81 миллион сўмга етказишга аҳд қилган. Сайё-ҳаракат ва изланишлар ана шу мақсад асосида олиб бориляпти.

Дилноза ФИЁСОВА

— Жамоа ўз олдига қўйган мақсадига қай тарзда эришмоқда?

— Шуни мамнуният билан таъкидлайманки, мустақиллик туфайли иқтисодиётимиз ривожига дадил қадам қўйилди, унинг шарофати билан алоқалар жадаллашти. Корхонамиз ҳам ана шундай ҳамкорликнинг яққол кўриниши бўлиб, Жанубий Кореянинг жаҳонга машҳур «Кобул-текстайл» компанияси билан шерикликда улкан мақсадларни кўзлаб ташкил этилган. Ўтган йиллар давомида ана шу эзгу ният йўлидаги изланишларимиз ўз самарасини бериб, 98 фоиз маҳсулотимиз уч қитъа — Осиё, Европа, Американинг ривожланган давлатларида жўнатилаётгани жамоамиз ахли салоҳиятидан даракдир.

Яна энг муҳими, биз маҳаллий хом ашё — мамлакатимиз фахри, пахтакорларимиз гурури саналмиш пахтани қайта ишлаб, уни хорижга маҳсулот сифатида экспорт қилаётганимиздир. Натижада маҳсулотларимиз — ип-калага хом ашёдан 2-3 баравар, мато эса 3-4 баравар қимматига сотилиб, юртимизга валюта тушумида ҳисса қўшаёмиз.

— Шундай муваффақият таъминлашда нималар қўл келмоқда?

— Аввало, корхонанинг Тўйтепа шаҳрида ва пойтахтимизнинг «Кўкча» даҳасида иш бошлаши натижасида 4000 нафардан зиёд йигит-қиз — маҳаллий ёшлар иш билан таъминланди. Уларнинг кўпчилиги хорижда, яна айримлари шу ерда малякали мутахассислар томонидан ўқитилиб, корхонага ўрнатилган, жаҳон андозалари даражасида маҳсулот тайёрлашда қўл келадиган замонавий тўқимачилик дастгоҳларини бошқаришни ўрганишди. Бу ускуналар Япония, Бельгия, Швейцария, Германия ҳамда Жанубий Корея давлатларидан келтирилган, автоматик тарзда бошқариладиган энг унумли дастгоҳлар саналади. Фахрларлиси эса ана шу дастгоҳлар ёрдамида йигит-қизларимиз билим ва тажрибаси, изланишлари боис ишлаб чиқарилаётган энг сара маҳсулотларимиз «Ўзбекистонда тайёрланган» ёрлиги остида жаҳон бозорига сотилаётганидир.

Корхонамизда йилига 50 минг тонна пахта толаси қайта ишланиб, 38 минг тонна ип-калага, 22 миллион погон метр мато ишлаб чиқарилади. Албатта, жаҳон бозорига чиқиб осон иш эмас. Бунинг учун юккаш сифатли маҳсулот тайёрлашда бош мезон бўлмоғи шарт. Шу сабабдан ҳам биринчи навбатда хом ашёнинг сифатига, ишланишига эътибор қаратамиз. Хом ашё назорати ишини корхона му-

тахассислари республикамиздаги пахта тозалаш заводларида амалга оширишади. Корхона лабораториясида аввало хом ашё, сўнгра маҳсулот сифати қатъий кўриқдан ўтади.

Биз жаҳон андозаларига мос маҳсулот тайёрлашимиз керак. Бунинг учун ҳар куни, ҳар соатда халқаро бозорни ўрганиш талаб этилади. Харидор диди ва талаби биринчи ўринга қўйилади. Бу борада корхонамиздаги компьютерларнинг «Интернет» тармоғига

## • ИСТИҚЛОЛ ВА ИҚТИСОД

# Ўрнимиз билан фахрланамиз



Энг азиз, энг улуг туйғуларни қалбимиз ардоғида асраймиз. Буюк неъмат саналмиш Истиқлол 12 йилдирки ҳар бир ватандошимиз дилида эъзоз топмоқда. Боиси йиллаб кутилган эзгу ниятларимиз Мустақилликнинг қутлуг шарофати билан ушалмоқда. Энг фахрланарлиси, юртимиз жаҳонга юз тутди, уни дунё мустақил давлат, озод ва обод ўлка сифатида эътироф этмоқда. Ўзбекистонга қизиқиш тобора ортиб бормоқда.

Албатта, бу борада мамлакатимизда кенг кўламли олиб борилаётган иқтисодий ислохотларнинг ўрни бекиёсидир. Ана шу бекиёсликда, жаҳонга юз тутишда юртимизда мустақиллик боис фаолиятга кенг йўл очилган, хорижий инвестицияларни жалб этган ҳолда иш юритаётган, маҳсулотлари «Ўзбекистонда тайёрланган» ёрлиги остида дунё бозорига тан олинаётган кўшма корхоналарнинг ҳам ўзига хос улуши борлигини инкор этиб бўлмайди. «Кобул-Ўзбек Со» Ўзбекистон-Корея кўшма корхонаси ана шундай жамоалар сирасига қиради. Мустақиллик шодиёнаси арафасида корхона директори Йўлдош ПОЛБОНОВ билан суҳбатимиз жамоанинг бугунги салоҳияти, жаҳон бозоригаги ўрни, келажак режалари хусусида бўлди.



уланганлиги жаҳон бозори, харидор талабини ўрганишда жуда қулай восита ҳисобланади.

Сирасини айтганда, ишчиларимизнинг меҳнат шижоати, хорижий технологияни мукамал эгаллаётгани, тартиб-интизом ва мунтазам назорат, тайёрланган маҳсулотнинг жаҳон бозорига чиқаётганидан фахрлимиз — барчасини муваффақиятимиз гарови десам муболага бўлмайди. Ҳар бир ишчи, ҳар бир ходим Мустақил юртимиз иқтисодиёти ривожига ўз улушини қўшаётганини дилдан ҳис этган ҳолда фахрлиниб меҳнат қилиши ҳам истиқлол шарофатидир.

— Экспорт салоҳияти хусусида тўхтамангиз...

— Илк қадамларимизданок жаҳон бозорига дадил кириб бордик. Негаки корхонамизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг 98 фоизи океанлар оша хорижга чиқа-

рилмоқда. Таъкидлаш жоизки, 60 фоиз маҳсулотимиз Франция, Германия, Бельгия сингари Европа, 20 фоиз Америка, қолгани эса Осиё давлатларига экспорт қилинмоқда. Ишлаб чиқарилаётган 15 турдаги ип-калага ва 12 хил матоларимиз сифатини 100 дан зиёд давлатлардаги харидорларимиз эътироф этишмоқда. Йилига 70-80 миллион долларлик маҳсулот четга сотилмоқда. Албатта, бу бизнинг жаҳонга юз тутганимиздан нишона, мустақиллик яратган энг катта имконият. Бундан ҳар биримиз оқилона фойдаланишимиз, муваффақиятларни мустаҳкамлаш йўлида тинмай изланишимиз керак.

— Истиқлолни қўшма корхона ишчилари нигоҳида қандай баҳолайсиз?

— Мустақиллик бўлмаганида маҳаллий ёшларимиз мана шундай энг унумли хориж дастгоҳларида Ўзбекистон хом ашёсидан тайёрланган маҳсулотларни жаҳон бозорига чиқара олармиди? Жуда кўплаб ёшларимиз тўқимачилик саноати сирларини мукамал ўрганишди, тез фурсатда ҳамкорларимизни ҳам лол қолдиришди. Энг муҳими, кадрлар ўсмоқда, ўз ўрнини топмоқда, мустақил фикрлаш, эркин яратиш иштиғи дилларида мумассам ва меҳнат фаолиятида бунни кўрсатишмоқда. Оддий усталиқдан корхонанинг кўзи саналмиш лаборатория мудирлигига кўтарилган Рустам Каримов, ишчи шарафли номини оқлаб ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи бўлган Миробид Сангиновлар ва бошқа кўплаб ходимларимиз истиқлол неъматидан баҳраманд бўлиб, уни мустаҳкамлаш йўлида қалб кўрини бағишлаётган фидойилардир.

— Муваффақият йўлидаги дадил одимларни келгусида янада шахдамлаш нияти бордир, албатта.

— Халқимизда «Ниятнинг йўлдош бўлсин» деган дуо бор. Шу боисдан ҳам ният ҳаммаша юксак бўлиши, муқсадалар янгилиниши, юқорилаши бор гап. Келгусида ҳамкорларимиз билан янада кўлни қўлга бериб фаолият юритиб янги дастгоҳлар келтириш, пардозланган матолар, трикотаж матолари ишлаб чиқарадиган корхоналар очишни кўзлаб турибмиз. Бу ишда эса юртимизда хорижий инвесторлар учун яратилган шарт-шароит, берилаётган қулай имкониятлар қўл келишига аминмиз.

Мустақиллигимиз боқий бўлсин. Ана шу боқийликни таъминлаш эса «юртим деб, элим деб» қайғураётган ҳар бир ҳамюртимизнинг ўз олдигаги, келажак авлодлар олдигаги юксак бурчидир.

Суҳбатдош  
Шарифа ИЛЁСОВА.

## Маълим

### Кафедрада ўқув маркази

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида тайёрланаётган мутахассисларни халқ хўжалигининг турли соҳаларида учратиш мумкин. Олий ўқув юрти наشريёт ва ноширчилик мутахассислигини пухта эгаллаган малакали кадрлари билан ҳам фахрланади.

Институтида фаолият кўрсатаётган «Матбаа» кафедраси жамоаси томонидан орттирилган бой тажрибалар таълим ва тарбия ишлари учун мустақам замин яратиб берди. Айни вақтда кафедранинг ўқув-моддий негизи ҳам мустақамлашиб бормоқда. Бунда республикамиздаги йирик босмаҳоналар билан ҳамкорлик қўл келмоқда. «Шарқ» нашриёт-матбаа хиссадорлик компанияси кўмаги билан кафедра қатор босмаҳона техникаларига эга бўлди.

Германиядаги матбаа олий ўқув юртли билан ҳамкорлик ҳам йўлга қўйилди. Бунинг самараси ўлароқ герман технологиялари намуналари олий ўқув юртига тортиқ қилинди. Бугунги кунда энг замонавий ўқув-кўргазма маркази ҳам ишлаб турибди. Ундан ўрин олган техник мослама, дастгоҳ ва жиҳозлар учун 420 минг АҚШ доллари миқдорда маблағ сарфланди.

Ушбу марказнинг очилиши кафедра талабалари учун энг янги босма техникалар билан танишиш ва уларда ишлаш имконини яратиб берди.

### Дискетлар бепул тарқатилди

Академик лицей ва касб-хунар коллежларини зарур ўқув адабиётлари билан таъминлашда тажрибали профессор-ўқитувчиларнинг маъруза матнлари муҳим аҳамият касб этмоқда. Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида бу борада яхши ташаббус бошланди.

Олий ўқув юрти касб-хунар коллежлари учун 10 дан ортиқ таълим йўналишлари бўйича стандартлар ишлаб чиқди. Бундай изланишлар доирасида маъруза матнлари намуналарини тайёрлаш тадбирлари кўрилди. Шу соҳа ихтисослиги бўйича қатор фанларга доир бундай ўқув қўлланмалари бўйича ҳозирланган электрон версиялар ҳам эътиборни ўзига тортади.

Олий ўқув юрти босмаҳонасида алоҳида дискетлар кўринишида чоп тилган бу манбалар китоб ва қўлланмалар тарикасида оммалаштирилмоқда.

Касб-хунар коллежларидан 70 га яқини бундай адабиётлар билан бепул таъминланди.

### Пухта билимли толиби илмлар

Тошкентдаги 50-мактаб педагогик жамоаси Бауман номидаги Москва Олий техника университети билан ҳамкорлик алоқасини ўрнатиб келмоқда. Бунинг натижаси ўлароқ билим даргоҳининг бир гуруҳ иқтидорли ўқувчиси университетнинг сиртки математика мактабида ўқиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Уч йил давом этган сиртки сабоқлар ҳам тугади. Шунга кўра бу толиби илмлар Москва олий ўқув юртининг бу йилги бўлажак талабалари таркиби рўйхатида ёзилди.

Сиртки математика мактаби ўқув жараёни Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги элчихонаси томонидан йўлга қўйилган масофавий таълим ўқув дастури доирасида амалга оширилди.

Шундай қилиб, толиби илмлар бир вақтинчи ўзида ҳам Ўзбекистон, ҳам Россия намунасидаги етуклик аттестатига эга бўладилар.

Ақбар АЛИЕВ

## • ТАНЛОВЛАР

# ЎЗБЕКИСТОН ҚЎШИҚ БАЙРАМИ

Куни кеча Ўзбекистон Миллий академик драма театрида Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги тизимидаги «Ўзбекистон қўшиқ байрами» кўрик танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

— Бу анъанавий кўрик-танлов маданий ҳаётимиздан тобора кенг ўрин эгаллаб оммалашиб бормоқда. Асосий мақсад эса, Мустақил диёримизни тараннум этувчи энг сара қўшиқларни яратиш, ўлкамизда истиқомат қилувчи ёш, истеъдодли овоз соҳибларини танлаб олишдан иборатдир. Яна шуни алоҳида таъкидлашни истар эдимки, ёш талант соҳибларига имкон даражасида ёрдам бериб, йўл-йўриқ кўрсатиб Ўзбекистоннинг порлоқ юлдузлари сафини кенгайтириш ҳам бизнинг асосий вазифаларимиздан биридир, — дейди Маданият ишлари вазирлигининг санъат, академик ва халқ бадиий жамоалари бошқармаси бошлиғи Шавкат Субҳонов.

Дарҳақиқат мазкур кўрик-танлов истеъдодли ёшларимизнинг ҳаётида, ижодида, ўқилиши ва ишида алоҳида ўрин эгаллаши табиийдир. Чунки шундай танловлар натижасида ёшларимизнинг парвози юксакликлар сари одимлайверади.

Танлов якунига кўра Самарқанд вилоятидан Насиба Мир-



Хасанжон Солимов олин орада

зоҳидова ижро этган «Ўзбекистон» қўшиғи (Неъмат Бобомурод шеъри, Мамат Наимов мусикаси) биринчи ўринга лойиқ деб топилди. Тошкент шаҳридан «Настарин» гуруҳи қизлари Малика Фатхуллова ва Мадина Юсуповалар ижро этган «Чирой кўйи ўлкамга қўшиғи (Пўлат Мўмин шеъри, Фарҳод Саидвақосов мусикаси) ва Навоий вилоятдан Шокир Жонузоқов, Фарҳод Эрматов, Фарида Эрматовалар ижросида янраган «Ўзбегим ўзлигинг танигин бугун»

қўшиқлари иккинчи ўринни эгаллади.

Шунингдек, яна бир қанча вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасидан келган ижрочилар учинчи ва рағбатлангирувчи ўринларни эгаллаб танлов совриндорлари бўлдилар. Голиблар эълон қилиниб, мукофотлар билан тақдирлангандан сўнг улар ижросида жозибали рақслар ва гўзал куй-қўшиқлар янради.

Гулчехра ДУРДИЕВА  
СУРАТЛАРДА: «Ўзбекистон қўшиқ байрами» кўрик-танловидан лавҳалар.

## • САНЪАТ

### Музейда устахона

Ўзбекистон амалий санъат музейида намойиш қилинаётган экспонатлар ранг-баранглиги билан ажралиб туради.

Чиройли сўзана-лар, каштачилик намуналари ҳам томошабинлар эътиборини ўзига тортиб келмоқда.

Диёримизда қадимдан маълум бўлган қатор хунармандчилик санъатини қайта тиклаш мақсадида музей негизида устахоналар очилди. Моҳир уста Илҳом Давлатов раҳбарлик қилаётган устахона эса бадиий тикувчилик анъаналари билан шуғулланмоқда.

Бу ерда қўлда тикиш маҳоратини оширишга қаратилган амалий машғулотлар ҳам йўлга қўйилди.

Гиламдўзлик, халқ хунармандчилиги устахонасида уюштирилаётган машғулотларда ҳам кўпчилик қатнашмоқда.

Наргиза ВАЛИЕВА

## Кинология хизмати юксалмоқда

Миллий кинология марказида «Республика давлат божхона кўмитасининг ҳудудий божхона бошқармалари кинология хизмати ахбороти таҳлили ва уларнинг самардорлигини ошириш» мавзусида семинар ўтказилди.

Ўзбекистон ҳудуди Шарқ билан Ғарби боғловчи йўллар чорраҳасида жойлашган бўлиб, қадимдан бу ердан Буюк Ипак йўли карвонлари ўтган. Бугунги кунда бу йўллар қайта тикланмоқда. Бу йўллар орқали Шарқий Осиёдан МДХ давлатлари, Европа ва Америкага ноқонуний йўл билан гиёвандлик моддаларини ўтказишга ҳаракат қилишди. Бундай ҳолатларни аниқлаш, гиёванд моддаларни қидириб топилган республика божхона кўмитасининг миллий кинология марказида махсус тайёрланган хизмат итларидан самарали фойдаланилмоқда. Жорий йилнинг олти ойи мобайнида хизмат итларидан фойдаланган ҳолда гиёванд моддаларини ноқонуний олиб ўтишга уринилган 87 ҳолат аниқланди.

Миллий кинология марказида ўтказилган илмий-амалий семинарда ҳудудий божхона бошқармалари кинология хизматини жаҳон талаблари даражасига етказиш масаласи кўриб чиқилди. Шунингдек, хизмат итларини ўргатувчи мутахассислар малакасини ошириш ва кинология марказларида ветеринария хизматини такомиллаштириш борасида мунтазам олиб борилаётган ўқув машғулотлари ижобий самара бераётгани таъкидланди. Миллий кинология марказида халқаро алоқалар ҳам яхши йўлга қўйилган. Хусусан, бу ерда Тожикистон Республикаси, Монғолия давлати божхоначилари ўзаро тажриба алмашмоқдалар. Айни пайтда Эрон ислом республикаси мутахассислари билан алоқа боғлаш борасида музокаралар олиб бориламоқда.

«Туркистон-пресс»

## • АНЖУМАНЛАР

Болаларни ёшлигидан маънавиятимиз сарчашмалари бўлган китобга ошно этиш, кўп мутолаа қилишга ўргатиш уларнинг онгини ривожлантиришда муҳим омил бўлади.

## Болалар кутубхоналарининг истиқболлари

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, Республика Давлат болалар кутубхонаси ҳамда Ўзбекистон болалар кукубхоналарини ривожлантириш ва такомиллаштиришга кўмаклашувчи хайрия жамғармаси ҳамкорлигида «Вилоят болалар кутубхоналари маълумот-ахборот библиография фаолиятининг аҳволи ва такомиллаштириш йўллари» мавзусидаги Республика услубийчилар мактабининг семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Ушбу анжуманда республикамиз вилоятларидан кутубхоналар раҳбарлари иштирок этдилар.

Анжуманни Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирининг биринчи ўринбосари Эркин Эрнazarов кириш сўзи билан очди. Шунингдек, семинарда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг ўринбосари М. Мирзо «Республика болалар кутубхоналарини ривожлантириш истиқболлари

тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлигининг маданий-маърифий ва музей ишлари бошқармаси бошлигининг ўринбосари Ф. Нарзуллаев «Бугунги болалар адабиёти ва болалар кутубхоналарининг аҳволи» тўғрисида «Шарқ» нашриёти матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, Болалар адабиёти бўлими бош муҳаррири Э.Маликов «Республика болалар кутубхоналарининг 2002 йил ҳисоботлари таҳлили ва кутубхоналар фаолиятининг долзарб муаммолари» ҳақида, шунингдек Республика Давлат болалар кутубхонаси директори ўринбосари М. Исҳоқовнинг зиё маскани фаолиятини тўғрисида ва бошқаларнинг фикр-мулоҳазалари тинланди. Шунингдек, анжуманда бугунги кунда кутубхоналар етарли китоблар билан таъминланмаётгани, болалар кутубхоналари олдидаги муаммолар, муҳокама қилинди.

Нилуфар ЗИЯТОВА

• МУЛОҲАЗА

# «Сигарет сотманг, опажон!..»

Мухтарам оқшомхонга дилимиздагини айтишдан аввал, икки оғиз тамаки тарихи ҳақида тўхталиб ўтсак фойдадан ҳоли бўлмас: 1492 йил... Шу йил Христофор Колумб бошчилигида испан сайёҳлари Америка қитъасига ташриф буюришади. (Улар Ҳиндистонни очдик деб ўйлашганди). Сайёҳлар, аниқроғи, европаликлар, антика воқеага дуч келишади. Яъники, бир ғуруҳ маҳаллий аҳоли вакиллари ўзидан кишини маст қилувчи, хид тараптўчи тамаки чекиб ўтирашарди. Табиийки, меҳмонлар ҳам, оз-оздан нўш қиладди. Шугина оддий воқеа сабаб, тамаки бутун Европа бўйлаб тарқалиб кетди. Уни етиштириш учун йирик плантациялар ташкил этилади.

Бугун эса жаҳоннинг кўплаб нуқталарида бўлгани каби бизда ҳам тамаки мавжуд. Тамаки ва тамаки маҳсулотлари билан савдо қилиш эса кундан кунга авжига олмакда. Хайриятки, кейинги бир-икки йил ичида уларни телевидение орқали реклама қилиш урфдан қолди. Шундай бўлса-да, оммавий кашандаликка ружу қўйиш кишини ажаблантиради. Ҳатто, тушпа-тузук қиз ва аёлларнинг кўча-кўйда сигарета бурк ситаётганини қандай изоҳлаш мумкин?!

Аввало шуни айтиш керакки, тамаки маҳсулотларини чекиш, нафас олиш, ўпка фоллятига салбий таъсир ўтказиши. Асаб тоаларини ишдан чиқаради. Терида, юзда қора доғлар пайдо бўлади. Хусн йўқолади.

Афсуслар бўлсинки, кейинги пайтларда тамаки маҳсулоти — сигареталарни пуллашнинг гаройиб шакли-шамойиллари юзга келаяпти: ўзбекчиликда, рўзгор деган гап бор.

Номидан кўриниб турганидек, у «кундик гор». Ҳаммаиз ҳам уни тўлдириш учун бозорга югураемиз. Камина ҳам ана шу ташвишлардан фориғ эмас. Хуллас, бозор оралайман... Ҳамма ўз молини мактадан... Бирон киши йўқки, «ичи лиқ тула пиё-сомсага кеб қолинг» — ёки «кўрт тушган олмалар бор», деса... Шу пайт кўзга чиққан сўгалдай ёши ўттизлардан ошган опахон олдими ўрайди: «Янги дода сигарет! ПайН... олиб кетинг», дейди. Сал имо-қоқсангиз, ўзи гугурт тутиб, ёндириб ҳам берадигандай...

Қадрли биродар, бу фожеа эмасми?! Камина-ку, Олий мактабни тугаллаган, оқ-қоранинг фарқига борадиган бир инсон. Аммо, шу лаҳзада энди-қаради. Терида, юзда қора доғлар пайдо бўлади. Хусн йўқолади.

Афсуслар бўлсинки, кейинги пайтларда тамаки маҳсулоти — сигареталарни пуллашнинг гаройиб шакли-шамойиллари юзга келаяпти: ўзбекчиликда, рўзгор деган гап бор.

Радиога, телевидение, ҳатто матбуот саҳифаларида ҳам оила — тарбия ўчоги дея бонг уради. Тўғри! Бола оилда шаклланиши. Агарки, фарзанд маънан юксак, ақлдан комил бўлса, келажакда ундан кўп нарсаларни кутса бўлади. Аввало, бизнинг учун, тарбия берувчи — ота-онанинг ўрни бекиёс. Аммо, тарбия берувчининг ўзи тарбияга муҳтож бўлса-чи?!

Мен бир оилани биланман. Оила боши ичиде, чекади. Кўл учиде кун кўради. Ишдан қайтаётиб (қиш кунлари, анча қоронғу тушиб қолган) унинг икки қизининг (4-5 ёшларда) «дом» биқинидаги тижорат дўконидан сигарета харид қиладиганиниг гувоҳи бўлдим. Табиийки, уларга бу ишни отаси буюрган...

Хуллас, гапираман десанг гап кўп. Шундай экан бу масала борасида ҳам жиддий ўйлаб кўришимиз лозим. Зеро, эртага атанг деб қолмайлик. Сиз бунга нима дейсиз? қадрли оқшомхон?

Назрулла МАҲАМОВ

• ХАТЖИЛДЛАРНИ ҚАЙЧИЛАГАНДА

## Дарсликларнинг нархи тушадими?

Ассалому алайкум, ҳурматли «Тошкент оқшоми» газетаси тахририяти ходимлари! Кўлимга қалам олиб, сизга хат ёзишимнинг боиси мени анчадан бери бир муаммо ўйлантиради.

Яқинда ўқув йили тутаб, болалар ёзги таътилга чиққилиши. Фарзандларимизнинг хурсандлигини айтмайсизми?! Ахир ёзги таътил кимга ёқмайди дейсиз?! Аммо кам таъминланган оилаларда болаларни ёзги дам олиш масканларига юбориш учун баъзи вақтда маблағ етмаётгани, уйда эса қарайдиган одам йўқлиги, шу боис болалар қаровсиз қолаётгани мен сингари баъзи ота-оналарни ташвишга солаётгани ҳам ҳақиқат. Бу ташвишнинг фақат бир томони. Иккинчи томони, янги ўқув йили учун олининчи керак бўлган дарсликлар қимматлиги сабабли кўп ҳолларда кам таъминланган оилаларнинг уларни харид қилишга қўриб етмай қолаётгани. Шу боис керакли дарсликларнинг фақат бир қисмини олишга мажбур бўлмоқдамиз. Келажакимиз ворисларнинг эса дарс қилишга қийналиши табиий.

Тўғри, кам таъминланган оилалар дарсликлар масаласида маҳалла фаолларига ёрдам сўраб мурожаат қилишлари мумкин. Лекин ҳар бир маҳалланинг ҳам бундай оилаларга ёрдам беришига қўриб етмайди.

Дарвоқе, таълим соҳаси ривож учун ҳукуматимиз томонидан яратилаётган имтиёзлардан кўз юмиб бўлмайди. Кези келганда кам таъминланган оилалар аъзолари бу имтиёзлардан фойдаланишмоқда, фақат улар етарли эмас. Аммо, дарсликлар учун белгиланган нархлар билан шуғулланаётган мутасадди ташкилотлар дарсликларни янада аэрзонроқ қилиш ёки кам таъминланган оилалар учун уларни қандайдир имтиёзлар билан тарқатиш ҳақида ўйлаб кўрсалар чакки бўлмасди.

Захро РАСУЛОВА, Юнусобод тумани.

• ШАХСИЙ ФИКР

Кўча-кўйда, метро ёки автобусда юрганмишда кўпинча «уч ойгина репети-торга қатнасам ўқишга бемалол кириб оламан» деган сўзларни эшитиб қоламиз. Очиги, ёшларнинг бундай сазё фикридан ёқа ушлайди киши. Нега дейсизми? Унда эшитинг фикримизни.

## Билимингизга ишонинг, ёшлар!

Айрим ёшлар мактабни тугатаётганида ҳам ўз олдига аниқ мақсадни қўймаган, шу боис мактабда фанларни яхши ўзлаштирмаган бўлади-ю кимнингдир маслаҳати билан нуфузлироқ олий ўқув юртига киришни хошлаб қолади. Хўш, нима қилиш керак? Шошилиш равишда бирор ўқитувчини яхшигина пул эвазига ёллайди. Энди ўзингиз ўйланг. Алгебра, физика, геометрия, химия, инглиз, француз тилларини бир-икки ой ичиде мукамал ўрганиб бўладими? Бунинг учун юзлаб китобларни, ўқув қўлланмаларини пухта ўқиб ўрганиш даркор. Айтилик, репетиторда тахсил олган абитуриент тоғаси ёки амакисини ишга солиб ўқишга ҳам кириб олди. Лекин ундан келажакда етук мутахассис чиқиши дарғумон. Шу боисдан ҳурматли ота-оналар фарзандларингизга ёшлигидан, иложи бўлса мактабнинг бошланғич синф ўқувчиллиги давридан жиддий эътибор беринг, боланинг қайси соҳага қизиқаётганини аниқ билинг. Ёшлигидан мустақил фикрга эга бўлган, ўз олдига аниқ мақсад қўйган фарзандларимиз бемалол айтиш мумкинки, репетиорсиз ҳам ўқишга қирадилар, орзуларига етадилар.

Аскар МАҲКАМОВ

• СИЗ БУНГА НИМА ДЕЙСИЗ?

# Сувнинг ҳам уволи бор


Кунлар исигани боис тоза ҳавода сайр қилгим келди. Биздан икки кўча нарида яшовчи дугонаминикига бордим. Дарвоқе, маҳалламиз ҳақиқатан об-ҳаво ва гўзал — Оқсоқолимиз ҳамда фаоллар сўҳрага — три билан тез-тез ҳашарлар уюштириб турилади, кўчалар, хиёбонлар ораста ҳолга келтирилади, ариқлар ва йўлларда чиқиндилардан тозаланади. Жорий йилда ҳар бир кўчага мевалик, манзарали дарахт кўчатлари экилиб, ҳозирда ҳар бир кўча ўзгача чиройга эга бўлганлиги дилимни қувонтиради. Дарвоқе, маҳалламиздаги ариқлардан сув оқади. Аммо...

бутун дунёда ичимлик суви қаймайиб бораётганини туфайли сувни тежаш, ундан оқилона фойдаланиш ҳақида гап кетаётган бўлса. Дарҳақиқат, сувнинг том-чиси ҳам умол. Уни асраб-авай-

лаш, келгуси авлодларга ҳам етказиш бизнинг бурчимизку. Ҳар бир хонадонга ичимлик суви етиб борунича қанчадан-қанча маблағ сарф бўлиши кўндек равшанку. Ёзининг иссиқ кунлари давом этмоқда. Маълумки, кўпгина ҳовлиларда ҳар хил экичлар экилган. Кўпчилик тушуниб-тушунмай экинини водопровод сувига сугоради. Тўғри, ариқда сув оқмайди ҳам маҳаллалар ҳам кўп. Бу маҳаллалар фуқароларини тушунса бўлади. Лекин экинини ариқ сувида сугориш имконияти була туриб водопроводдан фойдаланувчи бепарво, лоқайд кимсаларни кечириб бўлмайди.

Замира АБДУАЛИЕВА, Шайхонтоҳур тумани.

# Хатлар — ҳаёт ойнаси



Инсон умрини оқар дарёга қиёслашади. Дарҳақиқат, бу гапда жўн бор. Чунки дарё баъзида ўзони дан чиққудек бўлиб тўлиб-тошиб оқади, йўлида дуч келган тўсиқларни ҳам писанд этмайди. Баъзида эса... Инсон ҳаёти ҳам худди дарёга ўхшайди. Баъзида қувончи, баъзида ташвишли кунлар гувоҳига айланади инсон ҳам. Айрим ҳолларда бирор муаммони ҳал этиш, яна тоғли лаҳзаларни соғиниб яшаш мушкул ишдек туюлади. Буни тахририятимизга сиз азия ҳамшаҳарларимиздан «салаётган мактублар ҳам яққоли исботлаб турибди. Дарвоқе, «Хатлар — ҳаёт ойнаси» саҳифаси материаллари газетхонларни бефорқ қолдирмайати чоғи, деярли ҳар кун 8 кун ора тахририятимизга сим қоқишиб, ўзларининг фикр-мулоҳазаларини, таклифларини билдираётган газетхонлар сони

тобора ортиб бормоқда. Ана шуларни ҳисобга олган ҳолда бугунги саҳифа материалларида кишилар ҳаётида кечган турли хил воқеалар, газетхонларнинг таклифлари, мулоҳазаларига кенг ўрин берилди. Шу ўринда эслатиб ўтамиз, агарда биз билан мулоқот қилиш истаги туғилса 133-08-74 телефонига сим қоқинг ёки 700000 Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, «Тошкент оқшоми» газетаси тахририятига хат йўлланг. Азия газетхон, саҳифамизни мутолаа қиладиганда дилингиздан қандай ўйлар кечди? Материалларимиз, руқноларимиз ҳақидаги холис фикрларингиз бизни қизиқтиради. Зеро, газетамиз сизники. Унинг ўқимишли чиқиши ўзаро ҳамкорликка боғлиқ. Ҳамкорлигимиз самара беришига ишонамиз.

• ...МИННАТДОРЧИЛИК БИЛДИРАДИ

## Раҳмат сизга, ҳайдовчилар!

Кўпчилик матбуот саҳифаларида «Тошшаҳарйўловчигранс» Давлат уюшмасига қарашли транспорт воситаларининг тартибли қатнамаётгани ҳақидаги танқидий мақолаларни ўқиб қоламиз. Тўғри, гуруҳ курмаксиз бўлмаганидек, ҳақиқатан ҳам айрим автобуслар фаолияти кўнглидагидек эмасдир. Камина Тошкент вилоятига қарашли Усимликларни ҳимоя қилиш

институтини ёнидаги кўп қаватли уйлардан бирида истиқомат қиламан. Ҳар кун Мустақиллик майдонига (иш жойим шаҳар марказида) 115-автобусда қатнайман. Ушбу йўналишда қатнов жуда яхши. Ҳайдовчилар ҳам тартиб билан, жадвал асосида ишлашади. Шу боис ҳам мен «Тошкент оқшоми» газетаси орқали ушбу йўналиш ҳайдовчиларига, «Тошшаҳарйўловчигранс» Давлат уюшмасига миннатдорчилигимни изҳор қилмоқчиман.

Собир УМАРОВ, Тошкент вилояти, Кибрай тумани.

• ...ТАНҚИД ҚИЛАДИ

# Эътиборсизлик қачонгача?!

Маълум бир ёшга боргач умр қанчалик қадрли, вақт ўлчови ниҳоятда бебаҳолигини чуқур англаб етар экан киши. Кўпчилигимиз бекатларда олтинга тенг вақтимизни беҳудуга сарфлашимизни ачинарли ҳол деб ҳисоблайман. Айниқса, транспорт воситаларини кутиб ҳуноби ошган вақтларда бу ҳол кўпчиликнинг ўринли эътирозлари, асаббузарликларга сабаб бўлаётгани сир эмас.

«Биз «Қорасув — 1, 2, 3, 4, 6» даҳлариде истиқомат қилувчилар 21-йўналиш бўйича қатновчи автобуслар фаолиятидан норозиylimиз, арз-доимимизни 2519-автокорхонаси (директори М. Расулов)га ўтган йилдан буён бир неча бор баён этиб келмоқдамиз. «Қорасув» даҳаси — Амир Темуру шохбекати ораллигида қатновчи автобуслар — асосан биттагина «Мерседес—Бени» русумли ҳамда қолганлари (3 ёки жуда нари бора 4 та) эски, доимо киши табиятини бузувчи, бир нечта

ўриндиқлари олиб ташланган, энг ачинарлиси салонга бир амаллаб кирсангиз, газ ҳиди анқиб тураллигидан автобусларнинг худди мана шу автобусларни 40 дақиқалаб, баъзи ҳолларда 1 соат ҳам куттиша тўғри келадиганлиги алам қиладиган кишига.

Кўп ҳолларда мазкур автобуслар йўлларда бузилиб қолиб, баттар ҳунобингизни оширади. Бу йўналиш ҳайдовчиларининг бир хилдаги «антиқа» одалари айтмайсизми. Улар сўнги бекатлардаёқ автобусларини йўловчиларга тўлдириб,

• ДИЛДАГИ ГАПЛАР

# Ислоҳотлар самараси

Ушбу мақоланинг ёзилишига Чилонзор туманида яшовчи Собит ака Сиддиков томонидан йўлланган мактуб сабаб бўлди. Очиги, «Хатлар — ҳаёт ойнаси» саҳифаси чиқа бошлаганидан кейин газетхонлардан кўплаб мактублар олмақдамиз, ҳатто телефон орқали мулоқотлар ҳам бўлиб турибди. Бу қувонарли ҳол, албатта.

«Ҳурматли «Тошкент оқшоми» газетаси ижодий ходимлари, — дея бошланади мактуб, — ўғлим Шокир ҳозир 19 ёшда. Мактабни аъло баҳоларга тугатган. Унинг орзуси ҳарбий хизматни ўташ эди. Ахир ҳар бир йигит учун армияда хизмат қилиш чинакам орзу эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Лекин ўғлимни шифокорлар ҳарбий хизматга ҳозирча яроқсиз, деб топишди. Ёшлигида геппатит билан оғриб жигари ишиганди, шифокорлар ёрдами рад этмасин. Ахир Ватанимиз сарҳадларини соғлом, жасур, билимдон йигитларни қўриқлайди-да», дегим келди.

Ушбу мақолага нукта қўйсам ҳам бўлар эдию бундан 21 йил муқаддам юз берган воқеани сиз азиз газетхонлар билан баҳам кўргим келди. Ушунда мактабнинг 10-синфиде синфимиздаги ўғил болаларни сони кўп армия эмас, балки, жанг-говор шай ҳолатдаги, қудратли, профессионал армия зарур. Бун-

даё армияда эса албатта жисмонан бақувват, маънан баркамол, шерюрак йигитлар хизмат қилиши кўндек равшан. Шу боис ҳам ҳозирда ҳарбий хизматга бориш ҳамма йигитларга ҳам насиб қилмапти. Ушбу сатрларни қоралаганману мактуб эгаси чилонзорлик Собит акага «Асло хафа бўлмаг. Имкони бўлса, Шокирнинг хизматга ҳозирча яроқсиз, деб топишди. Ёшлигида геппатит билан оғриб жигари ишиганди, шифокорлар ёрдами рад этмасин. Ахир Ватанимиз сарҳадларини соғлом, жасур, билимдон йигитларни қўриқлайди-да», дегим келди.

Ушбу мақолага нукта қўйсам ҳам бўлар эдию бундан 21 йил муқаддам юз берган воқеани сиз азиз газетхонлар билан баҳам кўргим келди. Ушунда мактабнинг 10-синфиде синфимиздаги ўғил болаларни сони кўп армия эмас, балки, жанг-говор шай ҳолатдаги, қудратли, профессионал армия зарур. Бун-

Ақбар йўлдошев

• ГАЗЕТХОН ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

# Ўз неъматларимизни қадрлайлик

Ўлкамизда етиштирилаётган ширин-шакар мевалар талайгина. Табиат неъматларидан тайёрланаётган шарбат, мураббо, қиём ва ширинлик маҳсулотлари дастурхонларимизни беэмомқоқда.

Фаргона ва Зарафшон водийларида, Тожикистонда «Чикандисиз мева» деб аталадиган ўрик ҳам хуштаъм мевалардан ҳисобланади. Унинг киши бадани учун фойдали эканлиги кўпчиликка яхши маълум. Ўрик мағзи тўйимлилиги ва турли витаминларга бойлиги билан ажралаиб туради.

Аммо биз табиатнинг бу нодир эксонидан етарли фойдаланаяпмизми? Афсус, бундай эмас. Ўрик мағзидан ширин-шакар маҳсулотлар тайёрлаш мумкинку, данакни чакш технологиясинг асосида мағзидан ёғ олиб, элини ундан баҳраманд этиш йўллари қидириб топиш аниқ муддаодир.

Қишлоқ мактабларида «Данак операциеси» ҳаракати бошланган эди. Негадир бу ташаббус жойларда кенг омаллашади.

Юкоридаги бизнинг бу мулоҳазаларимиз ўзимиз етиштирган ҳажват ноз-неъматни қадрлашга даъват этади.

Яна бир мулоҳаза. Мева данаги мағзидан олинган жувоз ёғи таъмили ва тотимли эканлиги қаришлар яхши билишади. Ёг зановиларида данак мағзидан ёғ олиш мақсада мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Қишлоқ мактабларида «Данак операциеси» ҳаракати бошланган эди. Негадир бу ташаббус жойларда кенг омаллашади.

Юкоридаги бизнинг бу мулоҳазаларимиз ўзимиз етиштирган ҳажват ноз-неъматни қадрлашга даъват этади.

Ақбар АЛИЕВ, журналист.



Хайёлларга бўламан тутқун.

Ажабланарлиси, йўлларимиз раван, барча талабларга жавоб бергани ҳолда бошқа бирорта транспорт воситаси мазкур йўналиш бўйлаб қатнамайди. 2519-автокорхона маъмурияти эса баҳоналарни рўқач қилишдан нарига ўтолмайпти. Бизни ўйлантираётган нарса — бундай нохуш ҳол қачонгача давом этаркин? Йўловчиларнинг ўрниди эътирозларига қулоқ тутадиганлар топилавермакми?!

Анвар АБДУРАҲМОНОВ, жами 47 та имзо. Мирзо Улугбек тумани.

«Тошкент оқшоми»

ХУКУҚИЙ  
МАСЛАХАТХОНАСИҚонунга ҳурмат ва  
итоаткорлик – ҳаёт мезони

(Кундалик ҳаётда учрайдиган айрим ҳуқуқий масалалар юзасидан 180 саволга 180 жавоб)

(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида)

## 137. Кўрилган маънавий зарар ҳам қопланадими?

Маънавий зарар, уни етказувчининг айби бўлган тақдирда, зарар етказувчи томонидан қопланади. Шу боис жабрланувчи бундай зарар учун тоvon тўлатириш ҳуқуқига эга. Маънавий зарар, тўланиши лозим бўлган мулклий зарардан қатъи назар, пул билан қопланади.

Маънавий зарарни қоплаш микдори жабрланувчига етказилган жисмоний ва маънавий азобларнинг хусусиятига, шунингдек айб тоvon тўлашга асос бўлган ҳолларда эса зарар етказувчининг айби даражасига қараб суд томонидан аниқланади.

Қопланадиган зарар, шу жумладан тўланадиган тоvon микдорини аниқлашда, **Фуқаролик кодексининг 1022-моддасига** мувофиқ, оқилоналик ва адолатлилик талаблари эътиборга олинishi лозим.

## 138. Етказилган зарарни қоплаш қай тартибда амалга оширилади?

Зарар етказган шахс жабрланувчига етказилган зарарнинг ўрни куйидаги икки усулдан бири билан: 1) тиклаш-таъмирлаш ишлари қийматини тўлаган ҳолда; 2) тиклаш-таъмирлаш ишларини ўзи амалга оширган ҳолда қоплайди.

Бунда зарарни қоплаш зарар етказган шахс билан жабрланувчининг ўзаро келишуви асосида амалга оширилади. Натижада, аввало, судга мурожаат этиши зарурат қолмайди, қолверса, зарар етказган шахс суд ҳаражатларини тўлаш таъшишидан қутулади.

## 139. Етказилган зарарнинг ўрни зарар етказган шахс эмас, бошқалар томонидан қопланадиган ҳоллар ҳам бўладими?

Амалдаги қонун ҳужжатларида мувофиқ фуқаронинг мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрни зарар етказган шахснинг ўзи томонидан қопланади.

Айни бир вақтда қонун ҳужжатларида зарарни зарар етказган шахс эмас, бошқа шахслар, ҳатто юридик шахслар тўлайдиган ҳоллар ҳам назарда тутилган. Чунки, фаолияти теvarак атрофдагиларга ошкича ҳаф тугдирадиган юридик шахслар ва фуқаролар, айтайлик, транспорт ташкилотлари, саноат корхоналари, курилишлар, транспорт воситаларининг эгалари ва бошқалар ошкича ҳаф манбаи етказган зарарни, агар зарар бартароф қилиб бўлмайдиган куч ёки жабрланувчининг қасддан қилган ҳаракати оқибатида юзга келганлигини исботлай олмасалар, тўлашлари шарт (**Фуқаролик кодексининг 999-моддаси**).

Шу сабабли, масалан, фуқаронинг мол-мулкига, соғлиғига шикаст (зарар):

автотбус, такси ҳайдовчиси томонидан етказилган тақдирда бу зарар шу ҳайдовчи ишлаётган корхона томонидан; курилиш ташкилоти ҳодимлари томонидан етказилган тақдирда бу зарарнинг ўрни шу курилиш ташкилоти томонидан қопланади.

Зарарнинг ўрни мазкур юридик шахслар жабрланувчи билан келишув асосида қоплашга ҳам ҳақли. Бундай ҳолларда судга мурожаат этиш талаб қилинмайди.

## 140. Шартнома муносабатларида учрайдиган «форс-мажор» атамаси нимани аниқлатади? Етказилган зарарнинг ўрни қоплашига унинг тааллуқли жиҳати борми?

Форс-мажор энгиб (бартароф этиб) бўлмайдиган куч, фавқулодда ва олдини олиб бўлмайдиган ҳодиса бўлиб, унинг содир бўлиши шартнома иштирокчиларини, агар қонунда ва шартноманинг ўзида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ўзаро зиммага олган мажбуриятларини бажаришдан холи этиши мумкин. Бундай ҳодисаларга табиий офатларни мисол қилиб кўрсатса бўлади.

**Фуқаролик кодексининг 333-моддасида** қайд этилишича, агар қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган шахс мажбуриятни лозим даражада бажаришга энгиб бўлмайдиган куч – фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар, яъни форс-мажор тўғрисида имкон бўлмаганлигини исботлай олмаса, жавобгар бўлади. Бинобарин у шу йўл билан етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш шарт.

## 141. Вояга етмаган ёки муомалага лаёқатсиз деб топилган шахслар томонидан етказилган зарар учун ҳам жавобгарлик умумий асосда бўладими?

Ун тўрт ёшгача бўлган вояга етмаган (кичик ёшдаги) бола томонидан етказилган зарар учун унинг ота-онаси (фарзандликка олувчилари) ёки васийлари, агар зарар уларнинг айби билан етказилмаганлигини исботлай олмасалар, жавобгар бўладилар (**Фуқаролик кодексининг 993-моддаси**). Масалан, боласи дераза ойнасини синдириганлиги оқибатида ва фуқаронинг мол-мулкига бошқача тарзда етказган зарарларнинг ўрнини ота-она қоплаб беради. Бундай ҳолларда жабрланувчи зарар етказган боланинг ота-онасига нисбатан даъво тақдим этади. Етказилган зарарнинг ўрнини ота-она жабрланувчи билан келишув асосида қоплашга ҳақли ва бундай ҳолларда судга мурожаат этишга ҳожат қолмайди.

Ун тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганлар етказилган зарар учун умумий асосларда мустакл жавобгар бўладилар. Бундай ёшдаги шахсларда зарарни қоплаш учун етарли мол-мулк ёки бошқа даромад манбаи бўлмаган тақдирда, **Фуқаролик кодексининг 994-моддасига** мувофиқ, зарар тўлиғича ёки унинг етишмаган қисми вояга етмаганнинг ота-онаси (фарзандликка олувчилари) ёки васийлари томонидан, агар улар зарар ўзларининг айби билан етказилмаганлигини исботлай олмасалар, тўланиши лозим.

Муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаро томонидан етказилган зарарни, **Фуқаролик кодексининг 996-моддасида** белгиланган қонунда биноан, унинг васийлари ёки унинг устидан назоратни амалга оширувчи ташкилот, агар зарар уларнинг айби билан етказилмаганлигини исботлай олмаса, тўлайди. Демак, жабрланувчи ўзига зарар етказган шахс муомалага лаёқатсиз, рухий ҳалал бўлган тақдирда ҳам, зарарни қоплатириш ҳуқуқига эга. Бундай ҳолларда даъво васийларга ёки муомалага лаёқатсиз деб топилган шахс устидан назоратни амалга оширувчи ташкилотга нисбатан тақдим этилади. Борди-ю бунда етказилган зарарни қоплаб бериш хусусида жабрланувчи билан келишилса, судга мурожаат этишининг кераги йўқ.

(Давоми бор)

Шу йил 4-5 май кунлари Тошкентда бўлиб ўтган Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банкининг йиллик йиғилиши Жаҳон матбуотида акс-садо беришда давом этмоқда. Хиндистонда чоп этиладиган «Legislation Times» журнали бу мавзуга катта эътибор қаратиб, Президентимизнинг йиллик йиғилишдаги маърузаси тафсилотлари ҳақида «Ўзбекистон ва ЕТТБ: ҳамкорлик қўламлири» номли таҳлилий мақола чоп этди.

Хиндистон мустақиллигининг 50 йиллиги муносабати билан 1998 йилдан бери чоп этилаётган «Legislation Times» журнали жаҳон парламентлари ва қонун ижрочилигига бағишланган бўлиб, ҳуқуқ, демократия ва давлатлараро муносабатлар масалаларини ёритишга катта ургу қаратади. Унинг 2003 йил июнь сонидан Ўзбекистон мавзусига катта эътибор берилган, нашр муқовасида эса мамлакатимиз президенти Ислоом Каримовнинг рангли сурати «Воқеа яратувчи кишилар» (Event makers) сарлавҳаси билан журналхонлар эътиборига ҳавола қилинган.

Журнал Ўзбекистондаги улкан муваффақиятлар масаласига алоҳида эътибор қаратар экан, мамлакатимиз бозор инфратузласини, молия, банк ва ҳуқуқий инстиутларни мустаҳкамлаш борасида катта ютуқлар қўлга киритилганини таъкидлайди. «Хусусийлаштириш ҳамда хусусий сектор ривожланишини жадаллаштириш, макроэкономик кўрсаткичлар ва пул кредит ҳолатини янада барқарорлаштириш, пул қадр-қирозланишининг олдини олиш йўлида янги тамойил ва усуллар қўлланилди», — деб ёзади журнал.

«Ўзбекистон ва ЕТТБ: ҳамкорлик қўламлири» сарлавҳаси билан чоп этилган мақолада Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банки молиявий форумининг Тошкентда ўтказилгани нафақат Ўзбекистон,

лик йўлида Европа банки, Осиё тараққиёт банки ва Жаҳон Банки билан турли муддатларга мўлжалланган лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш алҳида эътиборга молик» деб ёзади журнал.

«Ўзбекистон Республикаси Президенти янги йўлга асос солди» сарлавҳали мақола «Дунё» рукни остида чоп этилган бўлиб, унда мамлакатимизнинг минтақада турган ўрни, Афғонистонда тинчлик ўрнатилиши учун Президент Ислоом Каримов бошчилигида олиб борилган ишлар баён қилинган.

Олий Мажлиснинг XI сессияси ва Президент Каримовнинг шу сессияда сўзлаган маърузасига бағишланган «Ўзбекистон демократик ривожланиш ва прогрессив дунё билан ҳамкорлик йўлида» сарлавҳали мақола юртимизда олиб борилётган ички ва ташқи сиёсатнинг долзарб жиҳатларига эътибор қаратган. Унда Президентимизнинг Ўзбекистонда икки палатали парламент фаолияти йўлга қўйилиши билан боғлиқ фикр-мулоҳазалари журналхонлар эътиборига ҳавола қилинган.

«Дунё – Марказий Осиё» рукнидаги саҳифада шунингдек Ўзбекистоннинг собиқ иттифоқ парчалиб кетганидан кейин эришган ютуқларни, тинчлик ва тараққиёт йўлида илдамлаётган мамлакат учун ортага йўл йўқлиги таъкидланган.

Шухрат УМИРОВ,  
«Жаҳон» АА мухбири,  
Дехли, Хиндистон.

«Legislation Times»  
Ўзбекистон ҳақида

балки Марказий Осиё минтақаси ҳаётидаги катта воқеа эканлиги алоҳида таъкидланган. Мазкур нуфузли халқаро ташкилот билан Ўзбекистон ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик алоқаларининг қўламлири ҳақида сўз юритилар экан, айни саҳифада мамлакатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган бозор иқтисодиётига ўтишининг беш тамойилига ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

«Legislation Times» журналининг ички саҳифаларидан жой олган «Марказий Осиёнинг аҳамияти» мақоласида минтақанинг геостратегик ва геосиёсий салоҳияти ҳақида сўз боради. «Ўзбекистон Президенти таъкидлаганидек, бу салоҳият энг аввало минтақада иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришга йўналтирилиши лозим. Бундай ҳамкор-

• ЁЗ – ЎТМОҚДА СОЗ

Маҳалла  
ёшлари  
беллашди

Куни кеча Юнусобод туманидаги «Ўзбекистон мустаклиги» маҳалласининг спорт майдончасида «Камолот» ЁИХ туман кенгаши туман ҳокимлиги билан биргаликда «Спорт машинаси» тадбирини ўтказди.

Тадбирда спортнинг кўплаб турлари бўйича жамоалар куч синашди. Мусобақаларда маҳалланинг етти ёшдан ўн олти ёшгача бўлган олтимишдан ортиқ ёшлари қатнашди. Иштирокчилар шахмат-шашка, футбол, бадминтон, арқон тортиш бўйича, қизлар эса арқон билан сакраш ўйинларида баҳс юритишди. Биринчи ўринни эгаллаган ёшларга Фаҳрий ёрлик, 2-3 ўрин эгаларига қимматбаҳо совғалар топширилди.

Барчага жуда маълум бўлган ушбу тадбирдан ёшлар жуда қувонишди. Чунки бундай мусобақалар спортга бўлган қизиқшини янада оширади.

Нодира АЗИМОВА  
СУРАТЛАРДА: тадбирдан  
лавҳалар



Шарқ дурдоналари

**Оз-оз ўрганиб  
домо бўлди...**

● Машхур олимлардан Мавлавий Саъид Абдулфаттоҳ айтади:  
— Яман вилояти халқидан бир одам машхур золим Ҳажжонинг хузурига келди. Ҳажжон золим Яман вилояти ҳокими бўлган ўз укасининг ҳолини сўради. У киши:

— Укангиз жуда яхши маишат кечиради, юзи қип-қизил, семириб кетган, — деди. Ҳажжон:

— Мен сендан укамнинг қандай маишат кечираётганини эмас, балки ички дунёсини, яъни одоб-ахлоқини, адил-инсофини, халққа қилаётган муомаласини сўраяпман, — деган эди, яманлик киши шундай жавоб берди:

— Уканг золим, бераҳм, фосик, кўнгли қаттиқ, маишатда берилган киши.

— Ундай бўлса унинг зулмидан қутулиш учун Яман халқи ундан юқори мансабларда бўлганларга нега шикоят қилмади? — деб сўради, Ҳажжон.

— Яман халқи кимга шикоят эта олсин? Укангдан юқори мансабда турган одам зулм этишда ундан юз марта юқори туради, — деди яманлик.

— Бу сўзини менга тегизиб айтаялсанми?

— Тўғри. Сен қатта мансабда бўлган Ҳажжон ибн Юсуфийсан... Уканг эса Яман ҳокими. Сенинг зулмин олдида укангни зулми юз марта кам деса бўлади. Энди Яман халқи укасиндан шикоят қилиб, ундан баттар золим бўлган акасига мурожаат қилишлари мумкинми?

— Менинг юзимга шундай сўзларни гапиришдан кўркамдинми?

— Мен ҳақиқатни айтишдан ҳеч кимдан кўрқмайман.

Ҳажжон у кишининг сўзидан тасирланиб айтди:

— Офарин. Сен ҳақиқатни сўзлашда ҳеч кимдан кўрқмайдиган, ростгўй бир одам экансан, мени оғохлантирдинг, — деди ва у кишига инъом-эхсон қилди. Шундан кейин Ҳажжон зулмдан қўл тортди, укасини Яман ҳокимлигидан туширди.

Шоир ва адиб Фаридиддин Аттор айтади:

**Солма эл кўнглига ранжиш, эй жавон,  
Истар эрсанг гар балолардан омон.  
Ҳеч кимнинг кўнглини огритмагил,  
Ўз таънигга беҳисоб зулм этмагил.  
Ким бировга берса озору жафо,  
Шубҳасиз бўлмай балога муфтало.  
Эр отин ҳар ўлкада яхши атар,  
Бўлғувчи ул эр жаҳонда мўътабар.**

● Алишер Навоий айтди:

— Дард ақлининг нафаси бир ўтдирки, қаттиқ кўнглини юмшатади, куруқ кўзни йиғлатади. Сўз ақлининг дами бир елдирки, манманлик ҳашагини совуради, ғазаб тупроғини совуради. Ҳикмат ва дониш — эр кишига зебу зийнатдир. Таъзим ва адаб биносин йикитма, ҳаё ва ҳурмат хилватидан ташқари чиқма.

● Таълим-тарбия олимларидан Қуддусий айтди:

— Тил вужудимизнинг бўлақларидан бир кичик бўлақ бўлиб инсоннинг шарофат ва имтиёзини юзага чиқарган нутқ ва йймон у билан ҳосил бўлади. Тилнинг яхши ва ёмон икки томони бордир. Ақл эгалари инсоннинг ичида бўлган фикр ва ниятини унинг сўзлаган сўзидан англаб, сўзловчининг қандай одам эканини биладилар, чунки тил фикрнинг таржимони, илм ва фазилатнинг баёнидир.

Инсоннинг сўзлаган сўзи ишлаган ишига мувофиқ бўлиши керак. Донишмандлар: «Тилини тиймаган, ҳар нарсга тилини узатган киши ўз қадр-қимматининг шу нисбатда озаёганини кўради», деганлар. Оз сўз ва сукут эзмалиқдан хайрлидир.



Шаҳримизнинг хушманзара гўшалари.  
Ҳақимжон Солиҳов олган сурат.

Эрининг вақт алламаҳал бўлсада келмаётганидан хавотирланган Мавжуда опанинг кўзларига уйқу келмас эди. Телефоннинг жиринглаши унинг маҳзун чехрасини ёритиб юборди. Телефон гўшагини кўтарганида эрининг асабий ҳолатдаги товуши эшитилди.

— Алло, Мавжуда, шаҳарга кираришда машинам бузилиб қолди. Умиджонни юборгин, — деб ўзи турган жойнинг манзилини бериб, телефон гўшагини қўйди. Она ўғлини ширин уйқудан уйғотишга кўзи қиймай, аста унинг хобхонаси томон йўналди. Бир лаҳза Умиджоннинг ширин уйқуда ётган ўктам чехрасига тикилиб турди ва секунд уйғота бошлади.

— Умиджон, тура қолгин, болажоним. Отангининг машинаси йўлда бузилиб қолибди. Бориб ёрдам бергин, — деганидан сўнг ширин уйқудаги Умиджон ойисининг овозини эшитиб, эринибгина кўзларини ишқалаб жойидан кўзгалди. Отасининг машинаси бузилиб қолганлигини билганидан сўнг тезроқ ёрдам беришга шошилиб, апил-тапил ювниб йўлга чиқди.

Қоронғу тун. Йўлда машиналар ҳам ахён-ахёнда учрайди. Улардан бирини тўхтатиб, отаси турган жойга етиб борди. Генерал Гофуров кўчаси Тошкент автомобил Халқа йўлининг бир қисми ҳисобланади. Бу жойда катта Келес кўприги қурилган. Йўлга чироқлар ўрнатилган бўлса-да, лампочкалар қўйилмай яхши ёритилмайди. Шу сабабдан кўчалар қоронғу. Умиджон отасининг машинаси қаерда турганлигини билолмай атрофни кўздан кечира бошлади.

Шу вақт унинг ёнгинасида энгил машинанинг товуши чиққандай бўлди. У қўзғалишга ҳам улгурмади. Машина уни туртиб юборди. Ҳайдовчи кимнидир уриб юборганлигини сезса-да, жабрланувчига ёрдам кўрсатмасдан жуфтанин ростлаб қолди. Умиджон эса бош қисмини қаттиқ жароҳат олиб, эзилиб ёғадган ёмғирда бир неча соат қолиб кетди. Бу пайтда Мансур ака қўл телефони орқали уйига қўнғироқ қилди. Мавжуда опа Умиджоннинг аллақачон йўлга чиқиб кетганлигини айтди. Буни эшитиб Мансур ака ўғлини чақирганига пушаймон бўлиб, тинмай тунга ўзи «Эй ҳудойим, ишқилиб тинчлик бўлсинда», дерди. Аслида эса Мансур ака-

нинг хавотири ўринли эди. Умиджон отасидан 150 метр нарида кўп қон йўқотиб, беҳуш ётар эди...

Тунги соат 3.30лар атрофида ЙПХ постига АВИА русумли машина ҳайдовчиси келиб, йўлда автоҳалокат туфайли жабрланган бир киши ётганлигини хабар қилади. Тезлик билан ЙПХ пости ходимлари билан биргаликда ЙХХБ Қидирув бўлимининг нозирлари ҳам воқеа жойига етиб келишди. Жабрдийда, 17 ёшли Умиджон зудлик билан II Тошкент тиббиёт институтининг касалхонасига ётқизилди. У кўп қон йўқотганлиги боис орадан икки соат ўтмай бу дунё билан видолашди. ИТХ содир бўлган жойда жабрланувчига шикаст етказган ав-

дандир миясига келган ва воқеа жойидан узоқлашган. Айланма йўллар билан Юнусобод туманига етиб келган. Уйига борганидан сўнг ўз айбини беркитиш мақсадида автомобилнинг синган чироқларини олиб, Қорасарой кўчасидаги чуқурликка олиб бориб ташлаб юборган. Уч кундан сўнг машинанинг техник шикаст етган жойларини қайтадан таъмирлатиш учун устaxonага борган. Айни ўша лаҳзаларда у ЙХХБ Қидирув бўлими ходимлари томонидан қўлга олинган. Энг ачинарлиси, бу тасодифий ИТХни содир этган киши 20-30 ёш оралиғидаги, ёшлиқ ховуридан тўшмаган шахс эмас, балки ҳаётнинг аччиқ-чучуғини кўрган, 50 ёшдан ошган, қонунқонидани яхши биладиган инсон эди.

Шуни айтиш керакки, кейинги пайтларда жиноий жазоларни либераллаштириш борасида янги қонунлар қабул қилинди. Унда жумладан, ИТХ жиноят эмас, балки тасодифий ёки эҳтиётсизлик оқибатида содир этиладиган ҳодиса эканлиги, айбдор воқеа жойидан қочмасдан жабрланувчига ўз вақтида тиббий ёрдам кўрсатса, жазо енгиллатилиши кўзда тутилган. Қонун тизимидаги бу ўзгаришлардан хабардор В.А. эса буни билса-да рияз қилмади. Бундан ташқари йўлга ўрнатилган чироқлар ёниб турганида юқоридаги каби фожеалар қамайиб, қонунбузарликларнинг ҳам олди олинармиди? Мансур ака ва Мавжуда опанинг худодан тилаб олган ёлғиз фардзанди — Умиджоннинг умри сақлаб қолинармиди? Мансур ака эса кўксидан бир умрлик виждон азобининг юки билан яшамасмиди? Умиджон эса тенгқурлари қатори олий ўқув юртидан бирида тахсил олиб, келгусида жамятиимизнинг фаол шахсида айланishi мумкин эди...

Нима бўлганда ҳам пойтахтимиздаги йўлларнинг ҳолатини назорат қилувчи мутасадди ташкилот ходимларининг безътиборлиги, юраги тошдан-да қаттиқ В.А.нинг бевурдлиги туфайли бир оиланинг ёлғиз давомчиси ҳаётдан бевақф кўз юмди. Балки ўша тунда эзилиб ёққан ёмғир Умиджон учун аталгандир. Унинг ҳаётга тўймай кетаётган уйқули кўзларида қотган маъносиз нигоҳи, аламли фарёдлари, ҳали амалга ошмаган эзгу ниятлари кўкдан сим-сим ёмғир бўлиб эзилиб ёққандир...

Гулчехра САЙИДМУРОДОВА

• ДИҚҚАТ, ЯНГИЛИК!

**ИСТИҚБОЛЛИ  
ЖАРАЁН**

Республикамиз олий ўқув юрларида узоқ масофадан туриб билим олиш тизими кенг йўлга қўйилмоқда. Бундай истиқболли масофавий ўқитиш жараёни Тошкент Давлат авиация институтида ҳам амалга оширилмоқда.

«Ахборот таълим марказининг очилиши олий ўқув юртида масофавий ўқитишни шакллантириш ва ривожлантириш борасида амалга оширилган йирик ишлардан бири бўлди. Дарсликлар, ўқув қўлланмалари ва маъруза матнларининг электрон версияларини яратиш масаласи ҳам диққат марказида турибди. Интернет ва унинг тармоқларидан фойдаланиш жараёналари янги ташкил этилган малака ошириш курси машғулоти рақали ҳам тушунтирилмоқда.

Электрон-хисоблаш машиналарини Интернет алоқа тизимининг локал тармоғига улаш ҳамда масофавий ўқитишни жорий этиш мақсадида видео-конференциялар ўтказиш тadbирлари кўрилди. Бунинг учун «Ахборот таълим маркази» видео-конференция ўтказишда қўлланиладиган техник жиҳозларга ҳам эга бўлди.

Анвар ЙЎЛЧИЕВ

• ЖИНОЯТ ЖАЗОСИЗ ҚОЛМАЙДИ

**Ёмғирли  
тун эди...**

Ташқарида ёмғир тинмай эзилиб ёғар, унинг ҳали-вери тинишидан дарак йўқ. Мансур ака машинасида зарур юмуш билан қўшни вилоятга бориб келаётган эди. Шаҳарга етиб келганидан сўнг Генерал Гофуров кўчасидаги чорраҳа йўлида машинаси бир-икки силкиниб, юрмай қолди. Хуноби ошган Мансур ака ёмғирда машинасининг у ёқ бўёгини кавлаб кўрса-да чорасини топа олмайди. Тунги соат 12 лардан ошганда уйига қўнғироқ қилди.

томобилнинг синган чироқлари парчалари далилий ашё сифатида йиғиштириб олинди.

Тезкор қидирув, сўраб-суриштириш ишлари бошлаб юборилди. Шаҳардаги барча (давлат, нодавлат) автосервисларига «ВАЗ-2106» русумли оқ рангли машина таъмирлатиш учун келганида ЙХХБ Қидирув бўлимига хабар қилиниш лозимлиги ҳақида оғохлантирилди. Орадан уч кун ўтган Умиджоннинг тасодифий қотили шаҳардаги автосервислардан бирида қўлга олинди.

Дастлабки сўраб-суриштирув жараёнида В. А. исми шахс ушбу қўнғилсиз ҳодисада ўзининг айбдор эканлигини тани олди ва воқеа тафсилотларини қуйидагича сўзлаб берди. У ўша кунги спиртли ичимликни истеъмол қилмаган ҳолда тунда Умиджонни уриб юборган. Ҳеч ким йўқ. Тезда бу жойдан ғойиб бўлиш керак деган фикр қаер-

**Спорт**

**Баскетболчиларимиз  
Деҳлида**

Ҳиндистоннинг Деҳли шаҳрида баскетбол бўйича Осиё чемпионатининг саралаш мусобақаларига старт берилди. Бунда мамлакатимиз терма жамоаси ҳам ғолиблик учун кураш олиб боради. Дарвоқе унда Ҳиндистон, Қозғистон, Қирғизистон, Шри-Ланка, Непал, Бангладеш давлатлари спортчилари ҳам иштирок этишади. Мутахассислар ва муҳлисларнинг эътирофи этишларича ғолибликка Ўзбекистон ва Қозғистон терма жамоалари даъвогар ҳисобланишмоқда.

**Муваффақият  
такрорланармикан?**

Утган йили талабалар ўртасида оғир атлетика бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида ўзбекистонлик спортчиларга омад кўлиб боқарди. Унда Ватанимиз шаҳрафини ҳимоя қилган Бахтиёр Нуруллаев иккинчи ўринни эгаллаб кумуш медалга соҳибига айланган бўлса, Алишер Мамбетов ва Маҳмуд Тоғаялов учинчи ўрин билан кифояланишганди. Айни кунларда Италиянинг Милан шаҳрида оғир атлетика бўйича жаҳон чемпионати мусобақалари бўлиб ўтмоқда. Беллашуларда спортчиларимизга омад тилаймиз.

**Стол тенниси истиқболи**

Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт кўмитасида Республика стол тенниси федерациясининг навбатдан ташқари йиғилиши бўлиб ўтди. Мамлакатимиз спорт мутасаддилари, стол тенниси мутахассислари иштирокда уюштирилган йиғилишни бошқариб экан, Давлат жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси раиси Комил Юсупов, истиқлол шарофати туфайли юртимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш борасида қилинаётган ислохотларнинг моҳиятига тўхталди. Шунингдек, келажакимиз ворислари — ёшлар орасида спортни янада оммалаштириш борасида қилинаётган амалий саъй-ҳаракатлар келгусида ўз самарасини беришини таъкидлади. Хусусан, стол тенниси ҳам ёшларимизнинг сеvimли спорт турларидан бири. Шу боисдан ушбу спорт турини маҳаллаларда, ўқув масканларида кенгрок тарғиб этиш, жойларда ёшларнинг стол тенниси билан мунтазам шуғулланишларига имкон яратиш муҳим масала эканлиги қатъийлик билан таъкидланди. Йиғилишда ташкилий масала кўрилди. Мутахассис муҳлисларнинг тақлифига кўра «Соғлом авлод» жамғармаси раисаси Светлана Имомова стол тенниси федерацияси президенти этиб сайланди.

**Ёрғ юз билан**

Қирғизистоннинг Чўлпон Ота шаҳрида ўтказилган ёғиз биатлон бўйича Осиё чемпионати ўзбекистонлик спортчиларга омад келтирди. Ўсирилар гуруҳи баҳсларида 400 метрга югуриш (ётиб ва тик ҳолда ўқ отиш), шунингдек, 6000 метр кросс югуриш (икки марта ётиб, икки бор тик ҳолда ўқ отиш мусобақасида) ва нихоят 7000 метр кросс маофасида ҳам (ётган ва тик ҳолда ўқ отиш) машқларини рақибларидан биринчи бажарган самарқандлик Фулом Носиров учта олтин медалга сазовор бўлди. Наманганлик Дмитрий Тарасов эса юқоридаги масофада учта кумуш медалга эгалик қилди. Фарғоналик Азиз Топловдиев биринчи медал билан кифояланди. Қизлар баҳсида пойтахтлик Анна Коробко ҳам учта олтин медал билан барчани қўйил қолдирди. Дарвоқе, 3000 метр — спринт, оммавий пойга, 6000 метр индивидуал пойга мусобақалари самарқандлик Эвелина Мамедовага учта кумуш медалларни ҳада этди. Ўзбекистон терма жамоаси сардори, тажрибали спортчи наманганлик Муҳаббат Қондалова бу сафар ҳам ўз муҳлисларини шод этиб, кумуш медалларни кўлга киритди. Хуллас ушбу нуфузли турнирда қатнашган 6 нафар спортчиларимизнинг барчасига совринли ўринлар насиб этиб умумжамоа ҳисобида мамлакатимиз терма жамоаси норасмий равишда чемпион деб эътироф этилди.



**• ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ**

**Карнайнинг сирли навоси**

Карнай, сурнай, ногора каби миллий мусиқа асбобларисиз ўзбекинг бирорта тўй ёҳуд байрам тадбири ўтказилмайди. Мустақиллик санъатининг барча соҳалари ривожига кенг йўл очганини таъкидлаган ҳолда шуну кувонч билан айтишимиз мумкинки, кейинги пайтларда карнай-сурнайчиларнинг «Аббос», «Ўзбегим» каби гуруҳлари тузилиб, улар хориж мамлакатларида ҳам миллий санъатимиз довругини кенг таратмоқдалар.

Боймуҳаммад Ҳолмуҳамедов, Фахриддин Жамил, Абдуҷаббор Ҳайитбоев, Муродбек Қосимбоев, Носиржон Ваҳобов, Комилжон Мўминов, Ботирбек Қосимбоев, Абдурасул Ҳайитбоевлар гапни бир жойга қўйиб республикамизнинг танлики устоз доираш, карнайчи, сурнайчиларини «Карнайнинг сирли навоси» кечасига тақлиф этишди.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон халқ артисти Ҳусан Шарипов, Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғи директорининг маънавият ишлари бўйича ўринбосари Музаффар Жаъфаров, устоз сурнайчи Тўлқин Мўминовлар карнай ва сурнайдек қадимий ва хушнаво миллий чолгу асбобларига том маъ-

нодаги эътибор мустақилликдан сўнг бошланганини қайд этишгани ҳолда, «Устоз — отангдек улуг» деганларидек, уста санъаткорлар хурмати жойига қўйиладиган, ҳаётдан кўз юмган устозлар руҳини ёдга олинладиган шу каби тадбирларни тез-тез ташкил этиб туриш фойдадан ҳоли эмаслигини таъкидладилар. Хушовоз хофиз Маҳмуд Тожибоев ижросидаги мумтоз кўшиқлар эса хотира ва қадрлаш кечасига ўзгача файз, жозоба бахш этди.

**Дилмурод ИСМОИЛОВ**  
**СУРАТЛАРДА:** устоз санъаткорларни хотирлаш кечасидан лавҳалар  
**Ҳақимжон Солихов**  
олган суратлар.



**ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР**

**Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими томонидан, ваколатли органлар қарорларига асосан давлат даромадига ўтказиш ва қарз ҳисобига ундириш учун хатлашиб банд солинган куйидаги автототранспорт воситаларининг кимошди савдоси ўтказилади.**

1. «Иж-2715» автомобили, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АQ 806, бошланғич нархи 400 000 сўм, техник носоз;
2. «Москвич-2141» автомобили, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 S23-76, техник носоз;
3. «Санг-Енг-Корандо» автомобили, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами йўқ, бошланғич нархи, техник носоз;
4. «Ваз-2107» автомобили, 2000 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами О 821 НQ 99, бошланғич нархи 1 500 000 сўм, техник носоз;
5. «Ваз-21033» автомобили, 1980 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 30 В 81-50, бошланғич нархи 325 000 сўм, техник носоз;
6. «Вольво-760» автомобили, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами йўқ, бошланғич нархи 3 000 000 сўм, техник носоз;
7. «Ваз-2107» автомобили, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами йўқ, бошланғич нархи 1 000 000 сўм, техник носоз;
8. «Ваз-2106» автомобили, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 W 10-14, бошланғич нархи 600 000 сўм, техник носоз;
9. «ГАЗ-5201» автомобили, 1992 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АК 985, бошланғич нархи 200 000 сўм, техник носоз;
10. «ГАЗ-52» автомобили, 1992 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич нархи 200 000 сўм, техник носоз;
11. «Газ-52» автомобили, 1985 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 Д 58-32, бошланғич нархи 400 000 сўм, техник носоз;
12. «КАВЗ-664» автомобили, 1981 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АQ 209, бошланғич нархи 400 000 сўм, техник носоз;
13. «Газ-52» автомобили, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АР 718, бошланғич нархи 750 000 сўм;
14. «Газ-53» автомобили, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АР 717, бошланғич нархи 300 000 сўм, техник носоз;
15. «Газ-5204» автомобили, 1976 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АР 419, бошланғич нархи 250 000 сўм, техник носоз;
16. «Авиа-А-31» автомобили, 1994 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 63-94 ТНП, бошланғич нархи 1 300 000 сўм, техник носоз;
17. «Маз-5549» юк автомобили, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 82-49 ТШ, бошланғич нархи 310 000 сўм, техник носоз.

Ушбу автотранспорт воситаларининг кимошди савдоси 2003 йил 22 июль кунин соат 14.00да суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими биносида ўтказилади. Кимошди савдосида иштирок этиш учун аризалар кимошди савдоси ўтказиладиган кундан 3 кун аввал тўхтатилади.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Усмон Юсупов кўчаси, 3-уй, 2-қават.  
Маълумот учун телефонлар: 41-16-38, 144-54-08, 144-88-01.**

**«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»**

Сўянги рекламаларигаънаки, хусусий эълонлар ва хусусий бизнес бўйича эълонларни, шумингдга таъминларни, таваллуд қиларни, гўйлар, юбилейлар мусобақати билан қўлловларни, низоқ эълонлари ва шунга ўхшаш эълонларни ўз саҳифаларида ёрқатади.

Эълонлар шайба ва яқинбадан ташқари ҳар кунин соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.

Маълумотлар учун телефонлар: 133-28-95, Факс: (3712) 133-29-09.

**МАНЗИЛИМИЗ:**  
**МАТБУОТЧИЛАР**  
КўЧАСИ,  
32-УЙ, 2-ҚАВАТ,  
204-ХОНА.

Тошкент шаҳар Шайхонтохур туманидаги Лутфий номли 254-мактаб томонидан 1995 йилда Собиров Каҳрамон Рустамжонович номига берилган АО № 223435 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент вилояти, Бўка туманидаги 2-ўрта мактаб томонидан 1999 йили Ҳайдарова Дилафруз Яъяевна номига берилган О"РА № 632189 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

**Бош муҳаррир**  
**Акmal AKPOMOB**

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
хатлар — 133-29-70;  
эълонлар: 133-28-95, 132-11-39;  
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.  
4204 нуқсала босилди. Қозғо биринчи А-3

**Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва ҷума кунлари чиқади.**  
Напр кўрсаткичи — 563

Нашрни тқазиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимидаги ёки «Тошкент пошти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишнинг мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриети-матбос акциядорлик компанияси босмоқдонди.  
Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-547.

Топширилди 12.00

1 2 3 4 5 6